# QISHLOQ HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

2003 YIL 31 OKTYABR, JUMA

№134 (6.659). Sotuvda erkin narxda


## КУННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига изчил ўтишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори эълон қилинди.

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида» қарор қабул қилди.

● Тошкентда МДҲ мамлакатларининг алоқа соҳасидаги минтақавий ҳамжамияти (МАҲ) доирасида инсон ресурсларини ривожлантириш бўйича комиссия ва электр алоқаси операторлари кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

● Урганчда Хоразм вилоятида иқтисодий ва ижтимоий соҳа тармоқларини 2003-2004 йиллар куз-қиш мавсумига тайёрлашнинг боришига бағишланган вилоят фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди.

● Олий Мажлиснинг Иқтисодиётни ислоҳ қилиш масалалари ва тадбиркорлик қўмитасида ташқи савдони амалга оширишда миллий ишлаб чиқарувчиларни муҳофаза этиш ва ғирром рақобатга қарши кураш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва халқаро амалиётга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

● Мирзаобод туманида сафарбарлик чақируви резерви хизматига жалб этилган тўртинчи гуруҳнинг 150 нафар аскари қасамёд қабул қилди.

● Самарқанд тиббиёт институти Нарпай туманининг «Ўзбекистон» ширкат хўжалигидаги уч мактабга компьютерлар тақдим этди.

● Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги С.Сирожиддинов номли академик лицейда ўқувчи ёшларни илмга йўналтиришда Фанлар академияси институтларининг тутган ўрнига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

● Пойтахтимиздаги «Шератон» меҳмонхонасида Республика Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг Германия Техникавий ҳамкорлик жамияти /GTZ/ ҳамда Германия Тикланиш кредит банки /KfW/ билан ҳамкорликдаги янги лойиҳаси муҳокамасига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

## Уч асрга гувоҳ отахон



Кексаликнинг гашти ўзгача. 103 ёшни қаршилаган Пиримқул бобо Суяркулов Ховос туманидаги "Чашма" қишлоғининг пиру бадавлат отахонларидан бири ҳисобланади.

СУРАТДА: Пиримқул бобо оила даврасида.

Б.АКРАМОВ олган сурат.

# ИМТИҲОН

### ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ "2004-2006 ЙИЛЛАРДА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ФАРМОНИНИ ЎҚИБ...

**НИГОҲ**

***Тежамкорлик, ишбилармонлик ва билим. Ўз ютуқлари билан бизни қувонтирган фермерлар борки, барчаси шу қоидаларга амал қилаётир. Пахта экадими, ғалламми фикру хаёли ҳосилдорликни ошириш, арзон техника топиб маҳсулотни йиғиштириб олишда. Кўпчилигининг улови, техникалари ҳам бор.***

Фермерлар орасида ҳукуматимизнинг орден ва медалларига сазовор бўлаётган кишилар кўпайиб бораётгани ҳам шундан. Қўша-қўша автомашиналар олиб, бойиб кетаётган фермерларнинг қўлидан эса кетмон тушмайди. Улар барча юмушга вақт топади. Ҳатто даласини кўриб, тажриба орттиргани, ниманидир ўргангани келган меҳмон билан бир пиёла чой ичишга ҳам. Яна бир жиҳати, зўр фермерлар қишлоқ қиёфасини ўзгартиришга ҳам муносиб ҳисса қўшаяпти. Ёзёвонлик бир фермер пайкалнинг бошида маърифат уйи ва замонавий жиҳозланган сауна қурган, тўрақўрғонлик ва пайариқлик фермерлар эса қишлоқ болалари учун мактаб қуриб беришди. Отасига раҳмат! Бундай мисолларни эса э-ҳе... эринмай санайвериш мумкин. Чунки неча йилдирки, фермерликни ривожлантиришга Президентимизнинг ўзлари бош-қош, ҳукуматнинг эътибори ҳам бўлакча... Мана энди истиқболли дастур – фермер хўжаликларини ривожлантириш бўйича концепция эълон қилинди.

-Фармонни диққат билан ўқиб чиқдим, - дейди жомбойлик фермер Аслиддин Салоҳиддинов. – Бу ҳужжат биз учун ҳам имтиёз, ҳам масъулият. Яна бир жиҳати имтиҳон. Нега дейсизми? Унда уч йиллик меҳнат маҳсули тош-тарозига қўйилиши, шунга кўра дангасалик қилган кишидан ер олиб қўйилиши, хўжалик эса тарқатиб юборилиши аниқ кўрсатилган. Бу албатта зўр фермер учун ўнғай. Чунки ер ҳисобли-да. Ерини кенгайтирмоқчи бўлган фермер келгусида фақат дангасалар ҳисобидан ер олиши мумкин. Ўзимга келсак, ҳар йили шартномаларни ортиғи билан уддалаяпман. Иккита тракторим бор. Ишчи кучи ҳам етарли. Шу боис "Ҳақиқат" ширкат хўжалигидан 23 гектар ерга умумйиғилиш қарорини олдим. Ҳоким қарори чиқмай турибди. Агар ниятим амалга ошса, пайкални бир гуллатайки...

-Ерни хор қилган киши деҳқон эмас. Баъзи ҳамкасбларим фермер хўжалиги очиб косаси оқармади. Эплолмаяпсиз, ерни топширинг дейишса, йўқ дейди, устингдан ёзаман, деб дағдаға ҳам қилади. Аслида эса давлат унга катта имконият берган, солиқдан озод қилиб, икки йиллик шароит яратиб берган эди. Афсуски, баъзилар бу ғамхўрликнинг қадрига етмаганди-да. Энди Президентимизнинг шу Фармонларига кўра ер эгалари катта бир имтиҳондан ўтади, - дейди Зафаробод туманидаги "Бекмурод бобо" фермер хўжалигининг соҳиби Акабой Бекмуродов. – Баҳона қидирсам мендаям кўп. Аммо бундан фақат ўзим зарар кўраман. Бу йил 10 гектар ерга пахта экиб, ҳосилдорликни 35 центнерга етказдим. Фермерликни бошлаганимда биттагина шалдираган "Нива" машинам бор эди. Сўнг иккита трактор, янги "Тико" автомобили сотиб олдим. Ҳаммаси шу ер туфайли.

Дарҳақиқат, инсонни тўйдирадиган ҳам, уни бой қиладиган ҳам ер. Шу боис Президентимизнинг мазкур Фармонида ердан самарали фойдаланиш, ўзаро ҳисоб-китоблар, фермерлар учун янгидан ташкил этилаётган инфратузилмаларга имтиёзлар бериш, шу орқали мулкдорларни қўллаб-қувватлашга жиддий эътибор қаратилган. Шунингдек, Фармонда фермер ижарага берилган ердан мақсадсиз, яъни шартномада кўрсатилганидек, ғалла ва пахта эмас, бошқа экинлар экса, жавобгар бўлиши ҳам алоҳида кўрсатиб ўтилган. Ижарага ер майдонлари бериш ҳақидаги туман ҳокимининг қарори вилоят ҳокими бошчилигидаги ер майдонларини ажратиш (сотиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича вилоят комиссияси томонидан тасдиқлангандан сўнг кучга киради, дейилиши ҳам масъулиятни яна бир карра оширади. Чунки асосий мақсад ернинг тажрибасиз, дала илмидан бехабар ношуд одамлар қўлига тушиб қолмаслигида. Агар шундай бўлса, бундан мулк эгаси ҳам, давлат ҳам зарар кўради. Ахир 10-20 гектар ернинг уч йил қаровсиз қолиши турган-битгани зарар-да. Айтайлик, шу дала 100 гектардан ортиқ бўлса-чи? Уёғини асти сўраманг. Фармонда зарар кўриб ишлаётган ва истиқболсиз ширкат хўжаликлари ўрнида фермер хўжаликлари ташкил этиш ҳокимлар тақдимномасига кўра ҳукумат қарори билан тасдиқланиши ҳам белгиланди. Бу ҳам турли хил тарздаги ўзбошимчаликларга барҳам беради.

Маълумки, кўпинча хўжалик юритишдаги нўноқлик, қолоқлик мулкдорларнинг билимсизлигидан келиб чиқади. Фармонда бу масалага жиддий эътибор қаратилган.

"Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан бирга республика ҳудудларида фермерлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича бизнес-мактаблар тармоғини яратсин, бир ой муддатда уларни жойлашиш манзилларини белгиласин", дейилади Фармоннинг 8-бандида. Ва яна тегишли идоралар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан бирга икки ой ичида фермерларни бозор шароитида бизнесни бошқариш, юритиш, бухгалтерия ҳисоб-китоби, суғурта, банклар ҳамда хизмат кўрсатувчи корхоналар билан муносабатлар бўйича ўқитишни назарда тутувчи Фермерлар тайёрлаш дастурини тайёрлаши белгиланган. Бу кенг кўламли, ҳам амалий, ҳам илмий йўналишдаги вазифанинг рўёбга чиқиши мамлакатимизда фермерлик ҳаракатини нафақат сон жиҳатдан, балки сифат жиҳатдан ҳам янги поғонага кўтаради. Қолаверса, ўқишга жалб этилган мулкдорлар нафақат маъруза эшитади, балки ўзаро тажриба алмашади, бир-бирларидан ўрганади, ютуқларни кўриб, хатоларни такрорламасликка интилади. Ҳақиқий имтиҳон эса юқорида фермерлар таъкидлаганидек, мулкдорнинг пайкалию хизмат кўрсатувчининг ишхонасида бўлади.

**Абдунаби АЛИҚУЛОВ**

# БИР МАКТАБ ҒАВҒОЛАРИ

**ТААССУФ**

***Косонсой тумани "Қўқумбой" ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган 31-умумтаълим мактаби йигирма беш йилдирки, ўз биносига эга эмас. Аниқроғи, 1978 йилнинг 5 октябрдаги Қишлоқ хўжалик вазирлигининг буйруғи билан мактаб биноси янги ташкил этилган 22-касб-ҳунар техника билим юрти балансига ўтказилди-ю, ғавғо устига ғавғо қўшилди. 31-мактаб ихтиёрига эса бинонинг бир қисмигина вақтинча фойдаланиш учун қолдирилди, холос. Мазкур бинонинг бор-йўғи 12 та синф хонаси бор эди. Шу боис, ўқув машғулотлари зўрма-зўраки икки босқичда олиб бориладиган бўлди. Ўқитувчи-ю ўқувчилар ваъда қилинган, тез орада қуриб берилажак янги мактаб биносини ҳануз кутишади.***

Дарвоқе, 1984 йили нафақат мактабдагиларнинг, балки ота-оналарнинг ҳам кўнглига ёруғлик ингандек бўлди. Хайриятки, кеч бўлса-да, янги бино қурилиши бошланди. Хурсандчиликдан дўпписини осмонга отганлар ҳам бўлди. Кимдир бир чойнак чой, ош дамлаб, қурувчиларга ҳиммат кўрсатди. Бироқ, бу қувончлар узоққа чўзилмади. Нима сабабдандир қурилиш тўхтаб қолди. Анчадан буён янги мактабда ўқишни орзу қилиб юрган ўқувчиларнинг эса "тарвузи қўлтиғидан тушди".

Яқинда шу мактабдаги аҳвол билан танишиш учун бордик. Мактаб директори Сотволдихон Хўжаев бизни тўппа-тузук ўқув биносида кутиб олди. Янги бинода ўқишни бошлашибди-да, деб ўйлабмиз.

-Ҳозир биз фойдаланиб турган бу бино асли "Қўқумбой қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи"га тегишли, - дея гап бошлади директор. – Вақтинчалик фойдаланиб турибмиз. Яқиндагина кўчиб ўтдик. 19 та синф хонаси бор. 678 нафар ўқувчиси бор мактаб учун буям торлик қилади. 12 та синф хонасига эга биномиз ҳам аслида бизга тегишли эмасди. Коллеж биноси реконструкция қилиниши муносабати билан биздан ўша бинони бўшатиб бериш талаб қилинди. Биз мурожаат қилмаган идора қолмади ҳисоб.

Ваъдалар жуда кўп. Аммо натижа йўқ. Қишлоқ оқсоқолларию мактаб директорининг ёзган ариза-шикоятлари йиғилиб-йиғилиб, битта китоб ҳолига келибди. Ҳатто "Наманган ҳақиқати" газетасида ҳам икки-уч марта мақола чоп этилибди.

-Шундан кейин ҳам натижа бўлмадими? – сўраймиз директордан.

-Натижа 1991 йилда бошланган қурилиш ишларидан билинди. Мактаб учун уч гектар майдон ажратилди. Афсус, иккинчи маротаба ҳам хурсандчилигимиз узоққа чўзилмади. Қурилиш ишлари кўп ўтмай яна тўхтаб қолди. Биринчи қаватнинг айрим хоналари битиб қолганди. Ҳозирда эса унинг ғиштлари талон-торож қилинмоқда. Директор бўлганимга ўн уч йил бўлди, шундан буён ёзмаган жойим қолмади. 2001-2002 ўқув йилининг сўнгги ва 2002-2003 ўқув йилининг биринчи чорагини жуда ночор "Нилуфар" номли боғча биносида ўтказдик.

Сотволдихон Хўжаевнинг айтишича, "Нилуфар" боғчасининг 5 та биноси ҳам таъмирталаб бўлиб, ўқувчилар томидан чакка ўтиб турган ана шу хоналарда дарс ўтишган...

-Яна тўрт-беш йил ўтиб, бу бинони ҳам олиб қўймасликларига ким кафолат бера олади? - куюнади мактаб директори. – Яхшиямки, коллеж раҳбарлари сахий чиқишди. Қишки спорт зали, ёзги спорт майдончаси ва информатика хонасидан мактаб ўқувчилари фойдаланишмоқда.

Дарвоқе, ушбу ҳududдан, яъни 101-Заркент сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига сайланган, ҳозирда «Наманган-вино» ОТАЖ раиси бўлиб ишлаётган Неъматилла Қурбонбоев сайлов олдидан мактаб қурилиши учун албатта амалий ёрдам кўрсатаман, деб куюк-куюк ваъдалар берган экан. Мактаб директорининг таъкидлашича, Қурбонбоев жаноблари аллақачон ваъдаларни унутиб юборган кўринади.

-"Қўқумбой"даги 31-мактаб биноси қурилиши 1991 йилда бошланган эди, - дейди Косонсой туман ҳокимининг қурилиш ишлари бўйича ўринбосари Турсунхон Аҳмедов. – Смета қиймати 1991 йил нархида 1 миллион 330 минг сўмни ташкил этувди. Ҳақиқатда эса 190 минг сўмлик иш бажарилди, кейин қурилиш ишлари тўхтаб қолди.

(Давоми 4-бетда)

# ПАХТАМИЗ ИККИ ЯРИМ МИЛЛИОН ТОННАДАН ОШДИ

**БУГУННИНГ ГАПИ**

***Юртимизда пахта йиғим-терими мавсуми давом этмоқда. Оқ олтин хирмонлари тобора юксалиб бормоқда. Пахтакорлару ҳашарчиларнинг қўли-қўлига тегмайди.***

-Ёмғир ёғмай турса бас. Уч-тўрт кун ичида режани бажарамиз.

-Ҳосилнинг "чўғи" зўр. Насиб қилса 45-50 центнерни кўзлаяпмиз.

-Октябр ҳам тугади. Энди кузги дон экиш ишларини тезроқ якунига етказишимиз керак...

Қай бир ерга борманг, шу каби ташвиш билан яшаётган деҳқонни учратасиз. Бир ёнда пахта терими, яна бир ёнда кузги дон экиш ишлари... Эҳ-ҳе, деҳқоннинг меҳнати шунақа-да. Тиним йўқ. Йил-ўн икки ой меҳнат. Ахир, ердан ризқ яратиш осон эмас-да...

Олинган тезкор маълумотларга қараганда, юртимиз хирмонларига бир кунда 45258 тонна пахта келиб тушмоқда. Мавсум бошидан буён жами уюлган хирмон 2623,0 минг тоннага етди. Бу режага нисбатан 72,9 фоиз дегани.

Сурхондарёлик пахтакорларнинг шашти сўнгани йўқ. Улар бир иш кунида давлат хирмонларига 3491 тонна оқ олтин топшириб, белгиланган режанинг шу кунгача 92,0 фоизини уддалашди. Самарқандликлар ҳам бўш келишмаяпти. Улар бир иш кунида давлат хирмонларига 3347 тонна пахта топшириб, шартномавий режанинг бугунгача 91,9 фоизини бажаришди. Бухоро хирмони ҳам кун сайин юксалмоқда. Улар бир иш кунида 4975 тонна оқ олтин топширишаётир. Мавсум бошидан буён бухоролик пахтакорлар белгиланган режанинг 89,4 фоизини бажаришди. Андижон, Қашқадарё, Навоий ва Тошкент вилояти пахтакорларининг шижоати сўнмаса, кўзланган марра ҳеч гап эмас. Аммо Сирдарё, Жиззах ва Хоразм вилоятларида иш суръати бироз суст. Ўйлаймизки, улар ҳам бўш келишмайди. Акс ҳолда ёғин-сочинли кунлар бошланиб, пахта териш ишлари аро йўлда қолиб кетиши мумкин.

**Шавкат ОРТИҚОВ**

# ИЖРО ҲАМ МУҲИМ МАСАЛА

**ҚОНУН ВА БИЗ**

***Айни пайтда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳаларида ҳам анчайин ижобий ишлар, ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Ва айтиш мумкинки, мазкур қилинаётган амалларнинг ҳаммаси фуқароларимиз манфаатларини кўзлаган бўлиб, жорий этилаётган вазифаларнинг мақсади ҳам шунда. Зеро, ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва мустаҳкамлаш суд ислоҳотини чуқурлаштиришни ҳамда демократлаштиришни талаб этади. Судларнинг демократиялашиши эса уларга бўлган ишончнинг ортиши демакдир.***

"Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонунни ҳам айни шу мазмундаги ислоҳотларнинг давоми сифатида қабул қилиш мумкин.

Суд қарорлари деганда нима тушунилади? Айтайлик, мурожаат қилувчининг даъвоси суд жараёнида кўриб чиқилади. Судларнинг иш юзасидан бир тўхтамга келиши, тўғрироғи, ҳукм чиқариши унинг қарори ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан айтиш мумкинки, ҳукм чиқарилдими, тамом, жараён тугади ҳисоб эмас. Ҳали унинг ижросини таъминлаш ва бу ижро туфайли талабгорларнинг, томонларнинг талаблари қондирилиши лозим.

Ана шундай вазифаларни адо этишда, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларни тўлақонли амалга оширишда айни пайтда Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаментининг ҳудудий бўлимлари, суд ижрочилари туман бўлимлари фаолият юритмоқда.

(Давоми 2-бетда)

**МУАММО**

# ЖАРИМА ИНСОФГА ЧОРЛАЙДИМИ?

***Деҳқончиликнинг сув билан бўлиши барчага бирдек аён. Ҳосил олиш учун қилинажак заҳматларни бир четга қўя туринг. Сув бўлмаса, бари бефойда.***

Буни биргина деҳқон эмас, ақли бор ҳар қандай одам яхши англаб етади. Англаб етади-ю, аммо ундан тежаб фойдаланишга ҳамма ҳам амал қилавермайди: Шу боис сув муаммоси бугун бутунжаҳон ҳамжамияти олдида турган энг долзарб муаммолардан бирига айланиб қолди. Матбуотда, радио ва телевидениеда кейинги пайтларда сувни исроф қилмаслик ҳақида жуда кўп чиқишлар бўлаяпти. Бироқ, шундай бўлишига қарамай, уни исроф қилиш ҳамон давом этмоқда. Нега? Бу борада республикамиздаги аҳвол қандай? Саволимизга жавоб олиш мақсадида "Ўзсувназорат" Республика сув инспекциясида бўлдик.

Республикамизда чекланган сув миқдоридан фойдаланишни назорат қилиш "Ўзсувназорат" Республика сув инспекцияси зиммасига юклатилган. Мазкур инспекция ўз вазифаси доирасида ирригация тармоқларидан сув олиш қоидаларини, сувдан хўжасизларча фойдаланиш, гидротехника ишларини ўзбошимчалик билан бажариш, сувдан фойдаланишнинг белгиланган лимитларини ва режаларини, сув объектларидан олинадиган ва уларга қуйиладиган сув миқдорининг дастлабки ҳисобини юритиш қоидаларини, шунингдек, давлат Сув кадастри юритишнинг белгиланган тартибини, сув хўжалиги иншоотлари ва қурилмаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш ҳолатларини аниқлайди.

(Давоми 2-бетда)

# МИЖОЗЛАРНИНГ ХОЛИС ЭЪТИРОФИ

**БАНК ТИЗИМИ**

***Тадбиркор деҳқонлари билан донғи кетган Андижон вилоятидан бугунги кунда бутун Ўзбекистон ўрнак олишга ҳаракат қилмоқда. Вилоятнинг пахта ва дон ҳосилдорлигини ошириш, турмуш фаровонлигига эришишдаги тажрибаси юртимизнинг бошқа минтақаларида татбиқ этилса, нур устига аъло нур бўлади.***

Республикамизнинг барча жойларида бўлгани сингари Андижон вилоятининг барча туманларида пахта йиғим-терими уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Маълумки, бу йил ғўза ривожи ўтган йилга қараганда ўн-ўн беш кунга кечикди. Деҳқончиликнинг ҳадисини олган пахтакорларнинг фикри-зикри етиштирилган ҳосилни нес-нобуд қилмасдан, сифатли йиғиб олишда. Айниқса, йиғим-теримда вилоятнинг Жалақудуқ, Избоскан, Шаҳрихон, Олтинкўл, Асака туманлари пахтакорлари пешқадамлик қилишмоқда.

### ИШ ҲАҚИ ДАЛАДА ТАРҚАТИЛМОҚДА

Йиғим-терим мавсумининг муваффақиятли ўтаётганлигида унинг барча иштирокчиларига ўз вақтида иш ҳақи берилаётганлиги, айниқса, қўл келмоқда. Мазкур вазифани республика акционерлик-тижорат "Пахта банк"нинг вилоят бошқармаси адо этиб келмоқда.

-Вазирлар Маҳкамасининг "Пахта ҳосилини йиғиштириб олишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида теримда иштирок этаётганларга ўз вақтида меҳнат ҳақи тўланишини таъминлаш асосий вазифа қилиб қўйилди, - дейди "Пахта банк"нинг Андижон вилоят бошқармаси бошлиғи Азизбек Умаров.

(Давоми 3-бетда)

**СИЙРАТ**

# КЎЗИМНИНГ ОҚУ ҚОРАСИ

***Ойдин деганда, аввало, унинг ойдиндек ёруғ шеърлари кўз олдимизга келади. Ана у, минбарда ҳаяжон билан шеър ўқияпти. 9 ёшданоқ юраги ёниб, дунё носозликларини нимжонгина гўзал кафти билан сozлашни истайди...***

Жамалак сочларини елларда селкиллатиб югургиси, ғаму тушкунликлардан ўзиб, шодлик чуғури каби жўр овоз бўлиб кўчади. Мусаффо туйғулар шалоладек, жўшқин булоқлардек қалб-қалбдан худойим берган иқтидор туфайли қуюлиб келаверади.

Қадимий чанг, қўбиз, соддагина сибизға, найларда чалинадиган халқ термаларига монанд юракнинг энг нозик тепкинларига ўхшаган, қизларнинг иболи майин сўзлари яратгиси, шеърларида ҳамма учун бахт тарқатгиси келади. Илк шеърларидаёқ шоирлик нимага, шеър нимага юраклигини билгиси, шеъри билан ҳар бир юракка исён, севинч билан кириб боргиси келади.

Тетапоя шеърлар секин-аста вазмин фалсафий теранликлар, тасаввур уфқларига кўтарила бошлайди... Юрагини ишқ, деган эски ғаммоз эгаллайди. Илк севги, муҳаббат наволари шеърларига сибизға, най, булбул, қушлар ри билан:

**Менинг жону дилим ўша,**
**Удир кўнгил қўйганим**
**Чароғон манзилим ўша,**
**Удир бахтга йўйганим, -**

деб беғубор туйғуларини тасвирлаб, яна иккиланиб, обҳаво каби товланиб:

**Чек йўқ энди қайғуларга,**
**Бардошимга тўзим йўқ.**
**Гоҳи зорман бир кўрарга,**
**Гоҳ кўрарга кўзим йўқ, -**

деб у севгисидан содда қизлардек уялади ҳам.

(Давоми 4-бетда)

## КЕЛГУСИ СОНДА:


"ҲАЛИЯМ ОДАМ БЎЛМАБСАН"

АМАКИСИНИНГ ҚОТИЛИ

КАЛАМУШ ХАВФЛИМИ Ё ПОРАХЎР?

ХУШХАБАР

# ДЕНОВЛИКЛАР ҚУВОНЧИ

**Денов тумани пахтакорлари давлатга 41000 тоннадан ортиқ “оқ олтин” сотиб, шартномани уддалашди.**

Кўкламнинг салқин ва серёғин келиши туман пахтакорларига анча ташвиш туғдирди. 4756 гектар майдонга чигит қайта экилди. Ишнинг кўзини билган деҳқонлар табиат қийинчиликлари олдида довдираб қолмадилар. Экинга астойдил ишлов берилди. Пахта йиғим-теримида эса 24000 дан ошиқ киши иштирок этди. Пахта ҳосилдорлиги гектарига 32 центнердан ошиб тушди. Пахтадан олинган умумий даромад 8,5 миллиард сўмни ташкил этиши мўлжалланмоқда. Пахта йиғим-теримида қатнашган пахтакорларга шу кунгача 1 миллиард 185 миллион 200 минг сўмдан ошиқ нақд пул тарқатилди.

Туман пахтакорларининг катта ютуғида "Ҳазорбоғ", "Ғалаба", "Холчаён", Бобур, Ислом Тўраев, Амир Темур, Шоқул Худойназаров, Шароф Рашидов ва Собир Раҳимов номли ширкат хўжаликларининг улуши катта бўлди.

Бундан ташқари тумандаги фермер хўжаликлари ҳам 7945 тонна хирмони билан туман пахтакорларининг умумий ғалабасига ўз ҳиссаларини қўшишди.

Айниқса, “Лочин”, “Исмоил”, “Чашма”, Тўхта Ҳайитов номли, Ўтаев номли фермер хўжаликлари йиллик шартномавий режани 150-160 фоиздан ошириб адо этишди.

Деновлик пахтакорлар даладаги ҳосилни чамалаб кўриб, яна 3000 тонна пахта териб бериш, ялпи ҳосилдорликни 44 минг тоннага етказиш мажбуриятини қабул қилишди. Туманда пахта йиғим-терими қизғин давом этмоқда.

**Х.РАЙИМОВ**

# УЗУН ЁРЛИҒИ БИЛАН

**Кўҳна ва навқирон Сурхон воҳаси бетакрор табиати, қалби қайноқ, меҳри дарё инсонлари билан ажралиб туради.**

Бу замин не-не заҳматларни бошдан кечирмади, жаҳонни зир титратган фотиҳлар, истилочиларининг ғазабли нигоҳларига дуч келмади,



дейсиз?! Қўлида қилич ўйнатган Александр Македонский, мўғуллар ва бошқа босқинчиларнинг бу жойга келтирган талафотлари ҳеч қачон ёддан чиқмайди. Бошидан шунча заҳматлар кечирган бўлса-да, Сурхон воҳаси ҳамиша дилбар, жозибали ва мафтункорлигича қолмоқда. Бу муқаддас маскан ўзининг олиму фозиллари, саййидлари, пирлари билан ҳам машҳур. Амир Темур 1370 йили Балхга кетаётиб, Термизда Саййид Барака қўлидан ҳокимият рамзи ноғора ва байроқни олади. Шайх шу ерда Амир Темурга дуо беради. Шундан сўнг Амир Темур Балхни ўз қўлига олади ва Мовароуннаҳрнинг ягона ҳукмдори бўлиб қолади.

Истиқлол Сурхон воҳасига қанот бахш этди. У йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Сурхондарёликлар давр билан ҳамнафас яшаб, янги-янги зафарларга эришмоқдалар. Воҳада юзлаб саноат, транспорт, қурилиш, хизмат кўрсатиш корхоналари, маънавият ва маърифат ўчоқлари ишлаб турибди. Замонавий тусда қурилган академик лицейлар, коллежлар муҳташамлиги, жаҳон андозаларига мослиги билан нигоҳларни ўзига ром этади.

Воҳадаги саноат корхоналари ҳақида гап борар экан, Узун пахта тозалаш заводи очиқ ҳиссадорлик жамиятига алоҳида тўхталиш жоиз. У вилоятдаги турдош корхоналар орасида энг кенжаси бўлиб, 1957 йилда асос солинган. Ўша пайтда завод фақат битта батареяда ишлаган. Йиллар ўтиши билан бу корхона тобора юксала борди.

Шу заводда кўп йиллар давомида 80 минг тоннадан ошиқ пахта хом ашёси қабул қилиниб, қайта ишланган. Узундан ташқари Музрабод, Қизириқ, Шеробод ва бошқа туманлардан ҳам хом ашё олиб келинган.

Мустақиллик йилларида корхонада сифат ўзгаришларига алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳозирги пайтда бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар юқори сифат талабларига жавоб бермоқда. 95 фоиз тола хорижий мамлакатларга, жумладан, АҚШ, Буюк Британия, Италия, Олмония, Голландия каби мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

ЭКСПОРТ

Энг асосийси корхонада қайта ишланаётган тола хом ашё сифатида қолмай, ундан янги-янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ҳаракат қилинмоқда. Бу ерда янги цехлар барпо этилмоқда. 1993 йили Узун пахта тозалаш заводи очиқ ҳиссадорлик жамияти аъзолари нотўқима мато, яъни ўров материалларини ишлаб чиқаришга киришгандилар. 2002 йили бу цехда 50 киши ишлаган бўлса, 2003 йилга келиб 110 киши меҳнат қилмоқда. Айни пайтда бу цехда 5 та янги линиялар ўрнатилди. Қўшимча равишда 60 ишчи ўрни яратилди.



Ҳиссадорлик жамиятида ўтган йили яна бир катта ишга қўл урилди. У ҳам бўлса, ип йигирув цехи қуриб битказилди. Бу ерда ҳам 50 ишчи ўрни барпо этилди. Бугунги кунда яна бир хайрли иш олиб борилаётир. Дока ишлаб чиқарадиган дастгоҳлар олиб келиниб ўрнатилди, яна 70 та ишчи ўрни юзага келди. Бу ерда ойига 70-80 минг погон метр маҳсулот ишлаб чиқарилади.



Жамоа аъзолари уч сменада меҳнат қилишмоқда. Уларнинг унумли ишлашлари учун зарур шарт-шароитлар муҳайё этилган. Ишчиларга уч маҳал бепул иссиқ овқат берилмоқда. Завод қошида тиббий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган, душхона, сауна, сартарошхона, аёллар гигиена хоналари ишлаб турибди. Корхонада бугунги кунда 630 нафар акциядор бор. Номинал қиймати 200 сўм бўлган 29500 та қимматли қоғоз эгаларига 2002 йил якуни бўйича ҳар бир акцияга 585 сўм 09 тийиндан дивиденд ҳисобланди. Ўтган йил фойдасидан 28 миллион 962 минг сўм дивиденд пули ажратилди. 2003 йилнинг ўтган даврида эса корхона даромади 1 миллиард 502 миллион сўмни, соф фойдаси 13 миллион сўмдан зиёдни ташкил этди.

Шундай йирик, кўп тармоқли корхонани бошқариш раҳбар зиммасига ғоят катта масъулият юклайди. Тадбиркор ва ишбилармон Субхонқул Сафаров кўп йиллик тажрибасини ишга солиб, жамоага етакчилик қилиб келмоқда.

-Жамоамиз вилоятдаги пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятлари орасида ўзига хос йўлни танлаб, иш олиб бораётир, - дейди у. – Замон ҳар биримизни қайта-қайта синовдан ўтказмоқда. Ҳаётдан бир кун орқада қолсангиз, йилларни бой беришингиз ҳеч гап эмас. Шунинг учун ҳам ҳаёт билан ҳамнафас қадам ташлашга ўрганмоғимиз керак. Жамоамиз муваффақиятининг бош омили аҳиллигимизда. Катта ишларга осонликча эришиш қийин. Ранг-баранг фикрлар бир жойда мужассамлашганда янгилик пайдо бўлади. Биз ҳам мутахассисларимиз билан тўғри келганда тортишиб, баҳслашиб оламиз. Охири бир тўхтамга келамиз. Оқилона, тўғри қарор қабул қилинганлиги туфайли доимо иш натижасида яққол кўринади.

Субхонқул ака билан суҳбатимиз давомида ўзлари ҳақида ҳам сўзлаб беришларини айтганимизда "Мен ҳақимда кўп тўхталманг, қанча ёзсангиз, жамоамиз аъзолари ҳақида ёзинг, асосий ишни улар бажаришмоқда, улар менинг ишонч тоғларим", деди. Бу фикрлар замирида катта маъно бор. Чунки бундай гапни жамоа аъзоларини ҳурмат қилган, уларнинг меҳнатларини эъзозлаган мард инсонгина айтади.

Жамият раисининг тавсиясига мувофиқ жамоадаги кўплаб ишчи-хизматчилар билан суҳбатлашдик. Нотўқима матолар ишлаб чиқариш, ип йигирув цехлари фаолияти ва бошқа иш жараёнлари билан танишганимизда ишчи-хизматчиларнинг юзкўзларидан ўз ишларидан мамнун эканликларини пайқадик. Давлатой Набиева, Санобар Эшниёзова, Шаҳзода Йўлдошева каби тўқувчилар, Нафиса Ҳамидова Гулноз Саидова сингари лаборатория ходимлари, механик Сирожиддин Раҳимов ва бошқа ходимлар жамоада алоҳида ҳурмат-эътиборга эга. Мустақиллигимизнинг 12 йиллик байрами муносабати билан эл-юрт фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қилаётган ватандошларимиздан бир гуруҳи юксак мукофотларга сазовор бўлдилар. Улар сафида мазкур корхона ишчиси Маҳамат Хайруллаев ҳам бўлиб, у "Дўстлик" ордени билан тақдирланди. Акциядорлик жамиятининг Ўктам Раҳмонов, Ғуломжон Жўраев, Чори Маматқулов, Бахтиёр Салимов сингари билимдон мутахассислари ҳар бир масаланинг оқилона ҳал этилишига, маҳсулот сифати янада яхшиланиб боришига катта ҳисса қўшмоқдалар.

**Хуррам РАЙИМОВ, журналист.**

# ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

## КОНЧИЛАР ҚУТҚАРИЛДИ

**Чоршанба куни Ростов областидаги “Ғарбий” конидан 120 соатдан буён ер қаърида “асир” бўлиб ўтирган 13 нафар кончининг ўн иккитаси қутқариб олинди.**



Соғлиқни сақлаш ходимлари уларнинг 10 нафари жисмонан соғлом, бироқ руҳан бироз толиқишганини таъкидлашмоқда. Бир нафар кончи одам танасигина сиғиши мумкин бўлган туйнукдан ўтиш чоғида енгил жароҳатланган бўлса, яна бир кончи оғир аҳволда шаҳар касалхонасига келтирилган. Шу билан ер қаъридаги 46 нафар кончининг 45 нафари қутқариб олинди. Конда қолиб кетган бир киши “бедарак йўқолган” дея талқин этилмоқда. Чунки, у аввал қутқарилган 33 кишининг сафида бўлган, кейин эса ўзи йўл топиш учун гуруҳдан ажралиб кетган экан.

## ПЛЕСЕЦК КОСМОДРОМИ

**Россия Федерацияси мудофаа вазири Сергей Иванов Плесецк космодромини кўздан кечириш чоғида мазкур объект келажакда Бойқўнғир космодромининг ўрнини босиши мумкин, дея таъкидлаган.**



Унинг айтишича, айни дамда қурилиш ва пардозлаш ишлари олиб борилаётган космодром тўла-тўкис талабга жавоб бера олади. Бу ерда синов маркази, юқори профессионал даражадаги учиш ва қўниш майдончалари ҳамда ҳарбий авиацион қурилмаларни ўта аниқликда жойлаштириш учун барча шароит муҳайёдир. Шу билан бир қаторда, Плесецк Бойқўнғир космодромидек узоқда жойлашган эмас.

## ЯНГИ ХУРУЖ

**Ироқда тинчликпарвар кучларга қарши олиб борилаётган яширин ҳаракат кучаймоқда.**



Би-Би-Сининг хабар беришича, ўтган уч кун мобайнида Бағдод, Қиркўк, Тикрит, Мосул ва бошқа бир қатор шаҳарларда уюштирилган террористик актлар оқибатида икки нафар америка аскари вафот этган, бир неча ўн нафари эса турли даражада жароҳатланганлар. Ўтган тунда эса Басрада америка аскарининг йўл ўртасига ўрнатилган бомбага йўлиқиши туфайли ўзи ва яна бир неча киши портлаб кетган. АҚШ Президенти Жорж Бушнинг таъкидлашича, хуружлар нечоғлик авж олмасин, тинчликпарвар коалиция ўз сиёсатини асло ўзгартирмайди ва Ироқни тўла озод қилмагунча БМТ резолюцияси асосида ҳаракат қилади. Чунки, бутун дунёнинг тинч ва хавфсиз бўлиши айнан шу курашнинг охирига қадар етказилиши билан чамбарчас боғлиқдир.

## ГРУЗИЯ САЙЛОВЛАР БЎСАҒАСИДА

**Келаётган якшанба куни Грузияда парламент сайловлари бўлиб ўтади. Кузатувчиларнинг таъкидлашича, мазкур жараён Президент Эдуард Шеварнадзе давридаги демократик тамойилларга асосланган илк сайлов бўлиши мумкин.**



Сиёсий тадқиқотчиларнинг фикрича, расмий Тбилисининг бугунги кунда олиб бораётган сиёсати энди-энди ривожланаётган бошланғич демократия асосларигагина хосдир. Якшанба куни ўтказиладиган сайловлар демократия томон ташланадиган биринчи қадам, дея қаралмоқда. Шу билан бирга, бу 2005 йили бўлиб ўтадиган Президентлик сайловлари учун тажриба босқичини ўтайди. Расмий Вашингтоннинг таъкидлашича, парламентга сайловлар Грузиянинг жаҳон ҳамжамиятига қўшила олишини исботлайдиган имкониятдир.

**ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида тайёрланди.**

# МИЖОЗЛАРНИНГ ХОЛИС ЭЪТИРОФИ

**(Боши 1-бетда)**

– Иш ҳақи ҳар беш кунда бериб борилияпти. Ҳар бир килограмм пахта учун 31 сўмдан ҳақ тўланмоқда. Бу жараённи назорат қилиш мақсадида банкнинг ҳар бир бўлимида ишчи гуруҳлар ташкил қилинди. Улар пул тушишини, теримчилар қўлига тегишини кузатиб борадилар, ташкилий ишлар билан шуғулланадилар. Бу ўз натижасини кўрсатмоқда.



Ҳосилни ёғин-сочинли кунларга қолдирмасдан ўз вақтида йиғиштириб олиш учун етарли даражада техника воситалари, ишчи кучи ажратилган. Вилоят пахта далаларида юз мингдан ошиқ теримчилар тер тўкишмоқда. Мавсум иштирокчиларини маблағ билан таъминлашда мазкур молия муассасаси омилкорлик билан иш тутмоқда. Тарқатилаётган нақд пулнинг бир қисмини банкнинг ўзи топаяпти. Қолган қисмини Марказий банкнинг вилоят бошқармасидан олишаяпти.

Банк ўз мижозларига самарали хизмат қилиш учун фаолиятини кун сайин кенгайтириб, низом жамғармасини кўпайтириб бормоқда. Аҳолининг бўш пул маблағларини жалб этиш учун “Болалар келажагимиз”, “Ҳосил”, “Фаровонлик”, “Пахтакор”, “Оқ олтин” омонат турлари жорий этилган.

Ҳозирги пайтда шаҳар ва туман бўлимлари орқали 7698 нафар мижозга хизмат кўрсатилмоқда. Шу йилнинг тўққиз ойида банк бўлимларидан ажратилган кредит маблағларининг 494 миллион сўми ширкатларга, 338 миллион сўми эса деҳқон ва фермер хўжаликларига берилди.

Президентимизнинг Фармонлари ва ҳукумат қарорларида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга кенг ўрин берилган. Бу деҳқон ва фермер хўжаликларининг тезда оёққа туриб олишида ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Банк томонидан шу йилнинг 1 октябр ҳолатига кўра 500 дан зиёд кичик ва ўрта бизнес субъектларига ҳаммаси бўлиб 1486 миллион сўм кредит берилди. Якка тартибдаги тадбиркорлар, деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда кичик ва ўрта бизнес субъектларига берилган кредитлар ҳисобидан мингдан ортиқ ишчи ўринлари яратилди.

Банк “Бизнес фонд” ресурси ҳисобидан техника олиш, янги қурилишларга асос солиш ва қорамоллар сотиб олиш учун кўплаб тадбиркорларга маблағ ажратди. Масалан, Асака туманидаги “Довуд” шўъба корхонаси 175 миллион, Избоскан туманидаги “Шарқ юлдузи” ширкат хўжалиги 5 миллион 276 минг сўм, Бўз туманидаги “Нигора” агрофирмаси 4 миллион сўм имтиёзли қарзлар олишди. Вилоятдаги ширкат хўжаликлари ҳамда фермерларга эса лизинг асосида янги техникалар харид қилиш учун 415 миллион 901 минг сўм пул берилди. Ўз навбатида мижозлар ҳам режаларини амалга ошириб, олган қарзларни белгиланган муддатда тўлиқ қайтармоқдалар.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки кредит линияси бўйича, шунингдек, Япония – Ўзбекистон ҳамкорлиги дастури доирасида 119 кичик ва ўрта бизнес субъектларига 156 миллион сўм кредит берилди. Шундан 85 миллион сўми нақд пулсиз тартибда, қолган 71 миллион сўми кичик ва ўрта бизнес субъектларига юз фоиз нақд пулда берилди. Қувончли жиҳати шундаки, банкда мижозларга ҳуқуқий ва иқтисодий маслаҳатлар бериш ишлари яхши йўлга қўйилган. Зарур қўлланма ва ҳужжатлар билан таъминланган махсус хоналар ажратилган. Барча ишларда жамоанинг 120 нафар ходими фаоллик кўрсатмоқда.

Банк раҳбариятининг саъй-ҳаракати билан мижозлар сонини янада кўпайтириш, уларга қулайлик яратиш мақсадида Улуғнор туманида 5 та минибанк очиш учун тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Улар ишга тушгач фермер хўжаликлари, хусусий тадбиркорлар ва бошқаларга бевосита ўша жойнинг ўзида банк хизмати кўрсатиш имкони туғилади.

### ОЛТИНКЎЛ ТОЛАСИ

-Олтинкўл туманида жойлашган заводимиз нафақат вилоятда, қолаверса республикада ҳам кўзга кўринган, иқтисоди бақувват корхоналардан бири ҳисобланади, — дейди "Андижон" пахта тозалаш очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти раиси Ойбек Нуритдинов. — Хом ашёни қабул қилиш ва қайта ишлаш биз учун ҳамиша масъулиятли дамлар ҳисобланади. Жамоамиз қўлга киритаётган барча ютуқларда, "Пахта Банк"-нинг алоҳида ҳиссаси бор.

Корхонага қарашли бешта пахта қабул қилиш пункти ўз вақтида, сифатли таъмирдан чиқарилганлиги туфайли ишда узилиш бўлмаяпти. Бу йилги мавсумда 15 ширкат, 49 нафар фермер хўжаликларидан қарийб 21 минг тонна қимматбаҳо хом ашё сифатли қабул қилинади.

Корхона жамоаси 2002 йилда 30 миллион сўм фойда кўрганди. Бу кўрсаткични жорий йилда янада ошириш кўзда тутилган. Беш юз нафар ишчи-хизматчи ўз иш жойига меҳр қўйган. Улардан 40 нафари корхона ҳисобидан "Чортоқ", "Ботаника", "Чимён", “Гулшан” санаторийларида дам олиб қайтишди. Бундан ташқари корхона ўзининг 3 гектар ер майдонига ҳамда ёрдамчи хўжалигига эга. Бу ерда 60 бош қўй боқилмоқда. Ишчи-хизматчиларга бошқа ғамхўрликлар ҳам қилинмоқда. Улар учун бепул иссиқ овқат тайёрланади, иш кийимлари берилади. Тўй қиладиган ходимга биттадан гилам совға қилинади. Иссиқ овқатнинг ўзига корхона ҳар ойда бир миллион сўм пул ажратмоқда.

Толанинг асосий қисми Россия, Франция, Америка Қўшма Штатлари сингари давлатларга сотилмоқда. Маҳсулот сифатини янада яхшилаш учун заводни янги асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш жамоа диққат-марказида турибди.

### КЎЧМА ДЎКОНЛАР ХИЗМАТДА

Хўжаобод туманида умргузаронлик қилиб келаётган 80 минг нафар аҳолига савдо хизмати кўрсатиш матлубот ҳиссадорлик жамияти зиммасида. Йилнинг ўтган даврида 320 миллион сўмдан зиёд хизмат кўрсатилди. Бу кўрсаткични йил охиригача 400 миллион сўмга етказиш кўзда тутилган. Жамиятга қарашли цехда ишлаб чиқарилаётган қандолат маҳсулотлари ва бошқа неъматлар хўжаободликлар дастурхонини безамоқда. Бу ерда ойига 2 тонна турли маҳсулотлар тайёрланмоқда.

-Пахтакорларга даланинг ўзида савдо хизмати кўрсатиш учун кўчма автодўконлар ташкил қилганмиз, - дейди жамият раиси Муҳаммаджон Сотиболдиев. — Теримчиларга кундалик эҳтиёж учун зарур бўлган моллар етказиб берилмоқда. Шундай усулда 3,5 миллион сўмлик хизмат кўрсатилди. Узоқ йиллардан буён “Пахта Банк”нинг вилоят бошқармаси билан ҳамкорлик қилиб келаяпмиз. Ана шу молия муассасасининг хизматидан миннатдормиз.

Бундай самимий эътирофларни яна бошқа кўплаб мижозлардан ҳам эшитиш мумкин.

**Улуғбек ЖУМАЕВ, “Қишлоқ ҳаёти” мухбири.**

Тошкент шаҳар Бектемир туманидаги “MARS-KARONA” масъулияти чекланган жамияти тугатилади. Даъволар эълон босилган кундан бошлаб икки ой давомида қабул қилинади. Тел.: 133-41-68.

Тошкент шаҳар Сергели тумани ички ишлар бошқармаси томонидан хусусий тадбиркор Орманбеков Аҳматбек Султон ўғли номига 2002 йилда берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянный диплом с отличием В № 011293, выданный СПТУ-42 в 1989 году на имя Дремжи Зеры Абдуллаевны (рег. № 28) считать недействительным.

“ЎЗБЕКСАВДО” акционерлик компанияси

Аҳоли, чакана, улгуржи савдо ва хусусий тадбиркорлар диққатига:

“Ўзбексавдо” акциядорлик компанияси тасарруфидаги ҳудудий вилоят, шаҳар “Гўштсутсавдо” акциядорик жамиятлари ва “Озиқовқатсавдо” шўъба хўжалик жамиятлари омборларида Америка Қўшма Штатларида келтирилган

юқори сифатли гуруч етарли миқдорда мавжуд бўлиб пул ўтказиш йўли билан сотилади.

Ҳудудий вилоят, “Гўштсутсавдо” акциядорлик жамиятлари ва “Озиқовқатсавдо” шўъба хўжалик жамиятлари

РЎЙХАТИ

| т/р | Корхоналар номи | Манзили | Хизмат телефони |
|---|---|---|---|
| | Қорақалпоғистон Республикаси | | |
| 1 | “Қорақалпоқгўштсутсавдо” АЖ | Нукус ш., Тўрткўл кўчаси | (36122) 3-72-17 |
| | Андижон вилояти | | |
| 2 | “Андижонгўштсутсавдо” АЖ | Андижон ш., Чинобод кўчаси | (37424) 6-66-55 |
| | Бухоро вилояти | | |
| 3 | “Бухорогўштсутсавдо” АЖ | Бухоро ш., Когон кўчаси, 10 | (3652) 25-41-71 |
| | Жиззах вилояти | | |
| 4 | “Жиззахгўштсутсавдо” АЖ | Жиззах ш., Промзона А | (37222) 6-05-45 |
| | Қашқадарё вилояти | | |
| 5 | “Қашқадарёгўштсутсавдо” АЖ | Қарши ш., Ўзбекистон овози кўчаси, 4 | (37522) 7-15-55 |
| | Навоий вилояти | | |
| 6 | “Навоийозиқовқатсавдо” АЖ | Навоий ш., “Спутник” шаҳарчаси | (43622) 5-37-53 |
| | Наманган вилояти | | |
| 7 | “Наманганcгўштсутсавдо” АЖ | Наманган ш., Раустан кўчаси | (36923) 2-64-60 |
| | Самарқанд вилояти | | |
| 8 | “Самарқандгўштсутсавдо” АЖ | Самарқанд ш., Ўзбекистон кўчаси, 116 | (3662) 37-04-83 |
| | Сирдарё вилояти | | |
| 9 | “Сирдарёгўштсутсавдо” АЖ ” | Гулистон ш., Қурувчилар кўчаси, 1 | (36722) 26-46-88 |
| | Сурхондарё вилояти | | |
| 10 | “Термизгўштсутсавдо” АЖ | Термиз ш., А.Ҳидоятов кўчаси, 1 | (37622) 2-38-67 |
| | Тошкент вилояти | | |
| 11 | “Ангренгўштсутсавдо” АЖ | Ангрен ш., Облиқ шаҳарчаси | (37622) 2-24-60 |
| 12 | “Бекободгўштсутсавдо” АЖ | Бекобод ш., Аббосов кўчаси, 18 | (37191) 2-18-79 |
| 13 | “Олмалиқгўштсутсавдо” АЖ | Олмалиқ ш., Бўстон шаҳарчаси | (37161) 2-16-34 |
| 14 | “Чирчиқгўштсутсавдо” АЖ | Чирчиқ ш., Озодбош шаҳ, Наврўз кўчаси | (37171) 2-20-40 |
| | Фарғона вилояти | | |
| 15 | “Фарғонагўштсутсавдо” АЖ | Марғилон ш., Янгифарғона кўчаси, 1 | (37323) 3-17-24 |
| 16 | “Қўқонозиқовқатсавдо” АЖ | Қўқон ш., Халқ сўзи кўчаси, 16 | (37355) 2-12-65 |
| | Хоразм вилоят | | |
| 17 | “Хоразмгўштсутсавдо” АЖ | Урганч ш., Парранда фабрикаси шаҳ., 1 | (36235) 9-45-70 |
| | Тошкент шаҳри | | |
| 18 | “Марказозиқовқатсавдо” ШХЖ | Тошкент ш., Толариқ кўчаси, 26 | 96-33-52 |
| 19 | “Тижорат” РСИЧФ | Тошкент ш., Навоий кўчаси, 25 | 139-11-55 |
| 20 | “Сервисторг” РСИЧК | Тошкент ш., Фурқат кўчаси, 6 | 139-18-75 |





# КЎЗИМНИНГ ОҚУ ҚОРАСИ

(Боши 1-бетда)

Бахт, севги, севилиш бахти ҳижронга айланганда:

**Сен қалбимга қайғулар экдинг,**
**Шодлик бўлиб кўкарди ул ҳис.**
**Кўзларимга тун бўлиб чўкдинг,**
**Сўзларимга ёйилди кундуз, -**



деб қанча ҳижрон бўлса ҳам эртанги кунни шодлик билан кутади. Ўзининг хафақонликларига ўзгаларни шерик қилгиси келмай, шодликка бошлайди.

Ойдинни йилма-йил ёзган шеърларидан унинг ҳаёти жабҳаларида рўй бераётган воқеаларни варақма-варақ англаб олиш мумкин.

Мана у она бўлди, у фарзандини покиза туйғулар, оналик меҳри билан, куну тун нурга интилиб, тунлардан тонг яратиб, шодлик яратиб вояга етказди. Халқнинг суюкли шоираси Ватанни улуғлаб, шижоатли, беназир шеърларини ёзди. 30 га яқин шеърий тўпламлари, "Кўзимнинг оқу қораси", "Мушфиқ онажон", "Паноҳим" сайланмалари, достонларини мутоала қилсак, уни иқтидори чархланганидан огоҳ бўламиз.

Ойдиннинг ижодий йўли университетда барг ёза бошлаган бўлса-да, Зулфиябегим унинг ҳаёти, ижодига маънавий ҳисса қўшган катта ҳарфли Инсон – шоира эдилар. Зулфия опа мактаби Ойдинни улғайтирди. У улуғ зотдан Ойдин Ватанга садоқат, халқига муҳаббатни, ҳар бир одамга эътиборни, унинг оғирини енгил қилиш, шогирдларга мурувватни, ўтган аждодларимизга эъзоз, улуғларимизга эҳтиромни туйди.

Зулфиябегим мактаби Эътибор Охунова, Гулчеҳра Жўраева, Ҳалима Худойбердиева, Малика Мирзаева ва бошқа шоиралар гулдастасини саралаган бўлса, бу оқим энди Ойдин Ҳожиева мураббийлигида давом этмоқда.

Ойдин Ҳожиева ўзбек шеъриятига ўз овози билан кириб келди, бошқа тенгдош шоиралардан бутунлай ажралиб туради, устоз орқасидан эргашган гулшан барқ уриб унга жўр овоз бўлиб турибди.

Ойдин "Шарқ юлдузи"да ижод қилди, "Гулхан"да, мана энди "Саодат" журналида бош муҳаррир. Ўзи яратган чаман "Гулчеҳралар"-да Ўзбекистон аёлларининг ҳаёт мазмуни, тақдирини ҳал қилувчи буюк истиқлол эканини кунбая-кун ўз шеърлари, мақолалари, публицистик мушоҳадалари орқали республикамиз ўқувчиларига етказиб турибди. Аёлга эътибор, аёлга ғамхўрлик, бу онага эътибор демак, Ватан истиқболини ўйлашдир:

**Сўрамангиз қайда деб,**
**муштоқ кўнглимда Ватан,**
**Мен ўтар бўлган юксак,**
**порлоқ йўлимда Ватан.**
**Бахт қушидай ардоқли**
**ҳар чоқ қўлимда Ватан,**
**Меҳру ихлосдан равшан**
**чанқоқ кўзимда Ватан.**

Бу ҳис-туйғуни Ойдин шеъридан яхшироқ айтиш амру маҳол. Ойдин Ватанимизда бўлаётган ўзгаришларни, халқимизнинг маънавий юксалишини журнал саҳифаларида, Ўзбекистон аёлларининг Ватан равнақи учун қўшаётган улкан ҳиссаларини акс эттиришда "Саодат", "Гулчеҳралар" ва бошқа кўплаб нашрларда тинмай ижод қилмоқда.

Ойдиннинг шеърлари бир дунё бўлганидек, унинг ҳикоялари биз ўқувчилар учун унинг яна бир дунёсини очиб берди. Унинг бадиалари жуда гўзал ёшлик, болалик ёқлардан бошланади... Гўдак кўзи, гўдак қалби, унинг истаклари, мурғак орзуларини, қишлоқ кўчалари, гуллаган боғларда кўм-кўк адирларда колиб унут бўлай деганда, эслаб ёзилган лавҳаларни ўқисангиз, кўнглингиз ойдинлашиб, ёришиб кетади. Бу бадиаларнинг қатнашчилари меҳрда, соддаликда ўзи бир дунё... Болалик шодликлари, кичкинагина қалб эгасининг юрак ўйноқлари, бир гул очилишининг гувоҳи бўлгандек мароқли.

"Болалик байрамлари" Ойдин ижодининг яна бир катта йўлини кўрсатиб турибди. Ҳикоялар тўпланиб, эсдаликлар, қисса, романларга айланиб барг ёзиб, "кўм-кўк дарахт"га айланса ажаб эмас.

Ойдин ижодида Бўстон қишлоғидаги одамлар, уларнинг кайфиятию тўю-томошалари, байрамларию саодат қўшиқлари акс этади. Шоиранинг синчков нигоҳидан кичик бир жонзот кучукчаю бузоқча, ҳатто хўтикча ҳам эътибордан четда қолмайди.

У ҳар бир асарида халқимизнинг унут бўлаётган лапарлари, термалари орқали қадим замонларни ҳозир билан боғлаб, каккулар кукулаётгандек кўнглимизни масрур этади. Ойдиннинг шеърлари жуда содда, лекин соддалиги билан ҳаёт қўшиғига айланган.

**ОЛМОС,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.**

# САДОҚАТЛИ ЙЎЛБАРС

***Бу ҳикояни узоқ йиллар ҳайдовчилик қилган боғотлик Рўзмат ота Матжонов айтиб берган эдилар.***

"...1940 йилларнинг охири. Автомашинамда Дарғонота тарафдан тракторлар учун ёнилғи ташийман. Табиийки, масофанинг олислиги кишини толиқтиради. Юзлаб километрлардаги саҳро йўлини босиб ўтишнинг ўзи бўладими? Айниқса, жазирама ёз кунлари... Тушга яқин бир-икки соат соя-салқинда дам олгинг келади. Чўлда эса бунинг иложи йўқ. Шу боис ҳордиқ пайтини Амударё ёқаларидаги чўпонлар ҳузурида ўтказаман. Улар тунда чироқдан фойдаланишади. Шунинг учун ҳар гал бир челак "лампамой" ташлашни одат қилганман. Бир куни келсам қўра яқинидаги майдоннинг бир қисми худди ёғ қуйилгандек қорайиб ётибди. Ҳайрон қолдим. Ўша пайтлар 10-15 литр ёнилғи учун қамалиб кетиш ҳеч гап эмасди-да. Иккинчидан, бу ерларга мендан бошқа ҳайдовчи келганини эшитмаганман ҳам. Нима бўлгандаям шунча кўп мойнинг исроф қилинишини ақлга сиғдириб бўлмасди.

-Э, иним, кўп ўйланаверма, бу ерга келиб ўтир. Кекса чўпон Серек буванинг сўзлари хаёлимни бўлди. – 75 йиллик умримнинг 64 йилини шу ерларда – қўйлар изида ўтказдиму бунақа воқеани учратмагандим.

Аста кигизга ёнбошладим. Чўпон бир пиёла чой қуйди-да сўзида давом этди.

-Ўтган жума куни эди. Кун иссиқ бўлганидан қўйларни барвақт ётоққа қайтардим. Шеригим тайёрлаган шўрвани энди олдимизга олган пайт, аввал от безовталанди. Бўрибосар итимиз шундоққина ёнимизга келиб писиб олди. Қарасак дарё бўйида иккита йўлбарс келаяпти. Бу жониворнинг ақлли ва мардлиги, ўрни келганда, қасоскорлиги ҳақида кўп эшитганман. Шунинг учун жойимиздан жилмай ўтиравердик. Йўлбарслар биз қўй суғорадиган ясқадан сув ича бошлади. Шу пайт уларнинг биттаси ғойиб бўлди-қолди. Иккинчиси (эркаги) дарё бўйида бироз турди-да, сал четроққа чиқиб ер бағирлаб ётди. Бу ҳол икки кун давом этди. Учинчи куни битта қўй сўйиб олдига ташладиқ. Йўлбарс бўлса емишга қарамади ҳам. Икки кўзи дарё томонда. Келганининг еттинчи куни қўққисдан шиддат билан дарё томон отилди. Мана шу жойга узунлиги 6-7 метр келадиган лаққа балиқ келиб

**БЎЛГАН ВОҚЕА**

тушди. Йўлбарс эса дарёдан чиққанича уни дуч келган жойидан тишлаб, ёра бошлади. Ниҳоят балиқнинг қорнидаги шеригига кўзи тушган йўлбарс бўкириб юборди. Унинг овози гўё золим фалакдан нола қилгандек эшитилди. Сўнгра бошини қуйи солиб, 10 дақиқача ётгач, ўрнидан турди-да, қибла томонга қараб уч бора бўкирди ва югурганча кетди.

Серек бува икки ҳафтача олдин бўлиб ўтган воқеани ҳикоя қилар экан, унинг гоҳида чуқур-чуқур хўрсиниши ва қийиқ кўзларидаги намни рўмолчаси билан артиб туришидан, қалби ҳамон ўртанаётганини англаш қийин эмасди. Мен эса ҳайвонлар шоҳи йўлбарснинг ақл-фаросати, қувватию журъатидан ҳайратда эдим. Садоқатининг эса таърифига сўз тополмайман".

**Холмурод ҚУРБОНОВ**

# БИР МАКТАБ ҒАВҒОЛАРИ

(Боши 1-бетда)

Қурилишни давом эттириш ростдан ҳам режадан қолиб кетяпти. "Нилуфар" номли боғча биноси мактаб ихтиёрига берилган. Агар таъмирлаш ишлари амалга оширилса, бошланғич синф ўқувчилари учун имконият яратилади, муаммони шу йўл билан ечмоқчимиз. Таъмирга "Қўқумбой" ширкат хўжалиги ёрдам беради. Аммо гапнинг рости, янги мактаб қуриб беришга ҳозирча уларнинг ҳам қурби етмайди...

Косонсой туман Халқ таълими бўлими мудираси Назирахон Носирова шундай изоҳ беради:

-Жорий йилда "Ёшлик" мавзесида 320 ўринли янги мактаб биноси қурилиши бошланган эди. Яқин кунларда иш ниҳоясига етиб, у фойдаланишга топширилади. Кейинги йилга эса "Обод" мавзесида янги мактаб қурилиши режалаштирилган. Улардаги аҳвол 31-мактабникидан ҳам ёмонроқ. 2005 йилга келиб "Қўқумбой"даги мактаб қурилиши бошланса керак, режа шунақа. Ўзга илож ҳам, имкон ҳам йўқ.

-Мактаб қурилишига ҳақиқатда хўжалигимизнинг қурби етмайди, - дейди "Қўқумбой"ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Муродхон Исматуллаев. – Боғчани таъмирлаш масаласига келсак, бир илож қилармиз.

Ариза ва илтимосномалар нафақат туман, балки вилоят ҳокимлигига ҳам жўнатилган. Аммо натижа қурғурдан дарак йўқ.

Мактаб учун ажратилган уч гектарлик майдон эса аллақачон саккиз хонадонга уй-жой қуриш учун бўлиб юборилганмиш. Шунақа гаплар. Қўқумбойликларнинг янги мактаб биноси борасидаги орзулари ҳалиҳануз утопиялигича қолмоқда.

Дарвоқе, мақолани тайёрлаш чоғимизда Косонсойдан хушхабар келди. 31-мактабга ажратилган "Нилуфар" боғчасида таъмирлаш ишлари бошланибди. Айтинг-айтинг, бу хайр-саховат ҳам аро йўлда қолиб кетмасин...



**Шавкат ОРТИҚОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# SPORT OLAMIDA

## ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ САРИ

***Чоршанба куни пойтахтимиздаги "Жар" спорт комплексида футбол бўйича ўсмирлар ҳамда ёшлар терма жамоалари иштирокида Осиё чемпионатининг гуруҳ саралаш баҳсларига старт берилди.***



Шу куни Б.Абдуллаев етакчилигидаги ўсмирлар ҳамда Р.Инилеев бошчилигида тўп сураётган ёшлар терма жамоалари Шриланкалик футболчиларга қарши майдонга тушишди. Вакилларимиз иккала ўйинда ҳам тўла устунликка эришиб, рақибларининг устидан йирик ҳисобда ғалаба қозондилар. Энг аввал майдонга тушган ўсмирларимиз жанубий осиёлик тенгдошларидан кўра чаққонроқ ва тезкор ўйин намойиш этиб, биринчи бўлимнинг ўзида рақиб дарвозасига тўрт тўп йўллашга муваффақ бўлишди. Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасининг 13-рақамли ўйинчиси Фарҳод Усмонов шу куни ўзининг бош билан йўллаган уч тўпи билан жамоа ғалабасига муносиб ҳисса қўшиб, тўпурарлар баҳсида пешқадам бўлиб олди. Меҳмонлар дарвозасига яна бир тўпни ажойиб дриплинглари билан аллақачон мухлислар назарига тушиб улгурган Александр Шадрин киритди. Ўйиннинг 85-дақиқасида вакилларимиз ўз жарима майдонларида меҳмонлар ҳужумчисини қўполлик билан тўхтатиб қолишди ва тожикистонлик ҳакам Р.Муртазаев томонидан белгиланган пенальтини Данушка аниқ амалга оширди. Шундай қилиб, Б.Абдуллаев шогирдлари гуруҳдаги илк ўйинни йирик ғалаба билан бошладилар.

Р.Инилеев етакчилигидаги ёшлар терма жамоаси ҳам биринчи ўйинни муваффақиятли бошлади. Бироқ мазкур учрашув ўсмирлардан фарқли ўлароқ тенг курашлар остида кечди. Тўғри, ёшларимиз рақибларига нисбатан анча тажрибалироқ эканликларини намойиш этишди, лекин меҳмонлар ҳам бўш келмасликка ҳаракат қилишди. Шри-ланкаликларнинг дарвозабони Жейпая ўзининг ажойиб ўйини билан мухлислар олқишини олди. Ўйин 3:0 ҳисобида вакилларимиз фойдасига ҳал бўлди. Тўпларни рақиб дарвозасига Нодир Қўзибоев, Баҳром Умаров ҳамда жамоа диспетчери вазифасини бажараётган Марат Бикмаевлар йўллашди.

Шунингдек, ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилувчи ёшлар терма жамоаси ҳам (мураббий В.Борисов) Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳрида ўтказилган Афро – Осиё ўйинларида муваффақиятли иштирок этишди. Улар гуруҳ баҳсларида Эрон ҳамда Буркина Фасо ёшлар терма жамоаларининг устидан ғалаба қозонишган бўлса, турнир "фаворити" дея эътироф этилаётган Зимбабве ёшлар терма жамоаси билан кечган баҳсда дуранг натижа қайд этиб, гуруҳ пешқадами бўлишди. Сешанба куни В.Борисов шогирдлари Руанда ёшлар терма жамоасига қарши ярим финал баҳсларида майдонга тушишди.

Бугун "Жар" спорт комплексида Шри-Ланка ҳамда Бутан ўсмир ва ёшлар терма жамоалари ўртасида саралаш баҳслари бўлиб ўтади.

**Ҳасан ТОШХЎЖАЕВ тайёрлади.**

## ИККИНЧИ МАҒЛУБИЯТ

***Футбол бўйича олий лига жамоалари ўртасида ўтказилган мамлакат XII миллий чемпионатининг 29-тур учрашувлари мухлисларга кутилмаган натижаларни туҳфа этди.***

Муддатидан аввал чемпионлик унвонига сазовор бўлган "Пахтакор" жамоаси сафарда "Андижон"га қарши майдонга тушди. Қизиғи шундаки, учрашувнинг иккинчи дақиқасида Асқаралиев томонидан меҳмонлар дарвозасининг ишғол этилганлиги тошкентликлар ўйинига шунчалик салбий таъсир кўрсатдики, беллашув тугагунга қадар ҳам "пахтакор"чилар қанчалик ҳаракат қилишмасин, рақиблар дарвозаси томон шиддатли ҳужумлар уюштиришмасин, ҳисоб ўзгармади. Шунингдек, турнир жадвалининг қуйи поғоналаридан бирини эгаллаб турган "Трактор" жамоасига бу сафар чиндан-да омад кулиб боқди. Чунки тошкентлик футболчилар ўз майдонларида бронза медалларига даъвогар жамоалардан бири "Қизилқум"га қарши тўп суришди. Мутахассислару мухлислар фикрича, учрашув зарафшонликларнинг ғалабаси билан якунланиши шарт эди. Акс ҳолда "Қизилқум" учинчи ўриндан маҳрум бўларди. Кутилмаганда майдонда уюшқоқлик билан ҳаракат қилган тошкентликлар тезкор, ҳужумкор ва комбинацион ўйин намойиш этишиб, меҳмонлар дарвозасига голлар "ёмғири"ни ёғдиришди. Мухлисларга қувонч ҳадя этган тўпларни рақиблар дарвозасига Ибрагимов, Соломин ва Ўрмонов йўллашди. Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, учрашувни 3:0 ҳисобида ўз фойдасига ҳал эта олган "Трактор" ўн биринчи поғонага кўтарилиб олди.

Қолган учрашувлар қуйидагича якунланди: "Насаф" - "Цементчи" 4:0, "Бухоро" – "Дўстлик" 2:1, "Қўқон-1912" – "Сурхон" 4:1, "Нефтчи" – "Машъал" 2:1, "Навбаҳор" – "Металлург" 7:0, "Самарқанд-Динамо" – "Гулистон" 1:0. Миллий чемпионатнинг сўнгги 30-тур беллашувлари 1 ноябр, шанба куни ўтказилади.

## АНГЛИЯДАН ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН

***Куни кеча Буюк Британиянинг пойтахти Лондон шаҳрида тўртинчи маротаба Ислом Каримов турнири уюштирилди.***

Ўғил болалар, қизлар, фахрий курашчи аёллар ва эркаклар ўртасида турли хил вазн тоифасида ташкиллаштирилган турнирда иштирок этган ўзбекистонлик полвонларга бир қатор совринлар эгаси бўлиш насиб этди. Муросасиз, қизиқарли ўтган беллашувлар якунида ҳамюртларимиздан эркаклар баҳсида Аъзам Исомов олтин, Анвар Пиров кумуш, Алишер Бўронов бронза, Фуркат Маматов олтин, Умид Бозоров олтин, Иброҳим Каримов олтин, аёллар беллашувларида Умида Сафарова кумуш; фахрийлар баҳсида Хушвақт Кафиев кумуш медалларни ўз вазнлари тоифасида қўлга киритишди.

**Имомали УЛФАТОВ тайёрлади.**

# БОШИМ ОҒРИБ КЕТДИ...

ҲАЖВИЯ

***Иш тополмасдан бошим оғриб юрганда биров эшик қоқди.***

-Туман солиқ инспекциясининг масъул ходими Жонолғиеваман! – деб таништирди ўзини келинчак. -Сиз нега солиқдан қочиб юрибсиз?

-Қанақа солиқ?

-Ҳаво солиғи.

-Ё, тавба! Шундай ҳам солиқ борми?

-Сиз шаҳарда яшайсизми? Шаҳар ҳавосидан нафас олганингиз учун.

-Нима, шаҳарнинг сассиқ ҳавосидан нафас олиб бўлмайдими?

-Билмайман. Бизга министрликдан шундай буйруқ келган. Шу ерга имзо чекинг!

-Имзо чекмайман! Бундан буён ҳаво ютмасдан, ўлсам ўлиб қўя қолай!

-Айтмоқчи, соя-салқин солиғини тўламайсизми?

-Ё, алҳазар, ўлай агар шундай солиқни биринчи эшитишим.

-Эрталаб кўчага чиқиб шаҳар қуёшидан текин фойдаланиб юрганингиз учун!

-Ҳой, айланай қизим, ишонсангиз уйдан чиқмаганимга беш ой бўлди! Аёлим бошқа шаҳарга бозорга кетган.

-Ундай бўлса, шу ерга "қуёшни кўрмайман, кўриш қобилиятим ёмон" деб имзо қўйинг!

-Майли, - дедим-да эгри-бугри қилиб қўл қўйдим.

-Эркак солиғини ҳам тўламабсиз.

-У қанақа солиқ?

-Масалан, сиз аёл бўлмасдан, эркак бўлиб туғилганингиз учун солиқ тўлашингиз керак!

-Қаттан биласиз, мен эркак эмасдирман?

-Нима деяпсиз, кўриб турибман, сиз эркаксиз!

-Ер солиғини ҳам тўламабсиз.

-Нима учун?

-Ерда юрганингиз учун.

-Тағин қандай солиғингиз бор? – Менда пул тугул, тош ҳам йўқ!

-Уйқу солиқдан ҳам қочиб қутулолмайсиз!

-Яна...

-Кўча солиғини қачон тўлайсиз?

-Мен кўчада юрган эмасман.

-Бўлмаса, нима билан юрасиз?

-Кўчанинг ёни билан.

-Яна бошқа солиқлар ҳам бор.

-Айланай, қизим! Иссиқ сув йўқ, бироқ тўлаймиз, электр ўчиб қолади, тўлаймиз, гази қурғур имиллаб туради, тўлаймиз, ахлат ташийдиган машина келмайди, тўлаймиз. Тағин қандай солиғингиз бор?

-Оға, сабр қилинг! Ҳозир ... - у сумкасидан қандайдир бир қоғозни олиб қарай бошлади.

-Ҳа,топдим! – деди у, - тириклар солиғи ҳам бор экан.

-Қизим, бошим оғриб кетди! У қандоқ солиқ?

-Бошингизни кўтариб, оёқда юрганингиз учун!

-Кечирингиз, юрагим, вой юрагим, - дедим мен. – Кўзим олди қоронғулашиб ҳеч нима кўрмай қолдим. Эсимда қолгани: "Оға, у дунё солиғини унутмангиз!" деди солиқчи инспектор. – Бизда шундай, шайтон бўлсангиз ҳам ҳар хил солиқлардан қочиб қутулолмайсиз!

*Мухтор ШЕРИМ*

**Қозоқчадан Қидирбой ТЎЛАБОЕВ таржимаси.**

# ЭНГ ЮКСАК МАҚТОВ

ТУРФА ОЛАМ

***Дунёдаги ҳар бир халқнинг фақат ўзигагина хос бўлган урф-одатлари бор. Ўзбекларда суҳбатдошидан кўзини олиб қочиш айб саналади.***

Луо қабиласида эса куёв қайнонасининг кўзига қараш гуноҳ ва гаплашаётганида қайнонасига орқа ўгириб ўтиради.

***

Қадимги ҳинд қабилаларининг одатига кўра йигитлар ўз қайлиқларига сигир сурати ишланган совғаларни инъом этишаркан. Чунки Ҳиндистонда сигир муқаддас ҳайвон, унга қиёсланган аёл хурсанд бўлади.

***

Хитой ва Кореяда "Илонга ўхшайсан-а!" деган гап қиз бола учун энг юксак мақтов ҳисобланади. Негаки, уларда илон донолик, гўзаллик, эпчиллик рамзи.

Хўш, бизда-чи? Бизларда қизларга айтилгучи таърифу тавсифнинг қиёси йўқ. Гўзалим, асалим, гулим... Лекин уларнинг қай бири қизларимиз учун қадрли?!

***

Ҳар ўн аёлнинг тўққизтаси турмуш ўртоғини ўзи каби ташқи кўринишига оро бериб юришларини истайди.

***

Ҳар тўрт аёлнинг учтаси турмуш ўртоғининг унга нисбатан ҳурматда бўлишини ва ишдан кўра шахсий ҳаётини биринчи ўринда қабул қилиши кераклигини таъкидлашган.

***

Ҳар ўн аёлнинг тўрттаси эркакларнинг чиройи иккинчи даражали масала, деб ҳисоблайди.

***

Ҳар ўн аёлнинг саккизтаси эркаклардан фақат ширин сўзни кутади.

**Гавҳар ДИЛМУРОДОВА тайёрлади.**

# ҚУЁШДА ПОРТЛАШЛАР КУЗАТИЛМОҚДА

БИЗ БИЛГАН ВА БИЛМАГАН ДУНЁ

***Япониянинг Хоккайдо ороли аҳолиси кеча ўзлари учун нотабиий бўлган манзара – Шимолий ёғдунинг нимяшил-қизғиш нурларининг камалакранг товланишини кўриб, нечоғлик ҳайратланганини тасаввур этиш қийин эмас.***

Бу кейинги ўттиз йил ичида рўй берган энг катта магнит бўронининг алдамчи кўриниши эканлигини-ю, унинг оқибатида она заминимизга самовий салбий қувватлар оқиб киришини билганларида эди, ундан ҳайратланмаган, аксинча, хавотир туйғусини туйган бўлармидилар...

Галактикамиз марказида жойлашган ёритгичимиз – сиз билан биз "Қуёш" деб атайдиган сариқ юлдуз бундан беш миллиард йил муқаддам кучли портлаш туфайли гелий ҳамда водород газларининг ўзаро бирикувидан "дунёга келганди". Олимларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, аввалига яшил ва катта ҳажмда бўлган бу юлдуз ўз бағридаги портлашлар оқибатида бора-бора ҳажман қисқариб, бириккан ва сарғиш қиёфа касб этган. "Яқин келажакда" эса, яъни тўрт миллиард йиллардан сўнг ниҳоятда қисқариб, ер билан бараварлашиб қоладиган Қуёш, секин-асталик билан аввалига қизғиш, сўнг қорамтир-қизғиш ва ниҳоят қора тусга кириб, сўнади. У ўз орбитаси ҳамда атрофидаги "болалари"ни йўқотиб, бошқа ёрқин юлдуз атрофида айланадиган сайёрага ёки бебош қора туйнукка айланиб қолиши ҳам эҳтимолдан холи эмас экан.



Бироқ, "яқин келажакка" ҳали анча вақт бор. Айни кунларда эса Қуёш ҳар секундда ўзидан 300 минг тонна оғирликни орбитага чиқариб ташламоқда. Натижада, энергия тўлқин частоталарига айланиб, сайёралар томон турли самовий қувватларни элтиб ташламоқда. Қуёшнинг фаоллиги шу даражага етдики, бугун шимолий ёғдуни дунёнинг бир неча чеккаларида кўриш имкони туғилди. Шу билан бирга портлаш оқибатида ерга оқиб келган кучли магнит тўфонлари туфайли Япониянинг "Kodama" телекоммуникацион сунъий йўлдоши ҳаракатдан тўхтаган. Ҳозир бутун дунёда магнит бўронларининг жамият тараққиётига салбий таъсир кўрсатишини тўхтатиш, лоақал, бироз пасайтириш мақсадида фаолият олиб борилмоқда. Япония – Россия ҳамкорлигида Халқаро Космик Станция (ХКС)га зарурий анжом-ашёларни етказиб бериши лозим бўлган ракета парвози ҳам номаълум муддатга қадар кечиктирилди. Германияда 2001 йилдаги авиаҳалокатлардан сабоқ чиқарилган ҳолда мамлакат аэропортлари ёпиб қўйилди, ҳар қандай авиарейс тақиқланди. Канадада эса мамлакатни электр энергия билан таъминлайдиган энерготизимлар қаттиқ назорат остига олинди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳам магнит бўронлари вақтида юрак ва қон-томир, шунингдек асаб хасталикларига чалинган беморлар соғлигига ниҳоятда эҳтиёткорона муносабатда бўлиши кераклигини тавсия қилмоқда.

НАСА астрономи Паал Брекккенинг айтишича, кучли магнит бўронлари кўпроқ шимолий қутб ва унинг атрофларида кузатилмоқда. "Бу биз учун Тангрининг инояти, - дейди астроном. – Агар тўфон шимолга эмас, жанубга қараб ҳаракатланганида эди, инсоният учун аянчли кўргуликларни келтириб чиқарган бўлармиди...".

Қуёш ўз бағридан иссиқлик узиб, заминга ҳадя этмаса, Тирикликнинг ҳолига вой. Бироқ, ошиқча "меҳр-муҳаббат" ҳам албатта зарар келтириши тайин экан.

**"Интернет" маълумотлари асосида тайёрланди.**

Бош муҳаррир
ЎТКИР РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона – 136-58-83. Бош муҳаррир ўринбосарлари – 133-16-27, 133-44-43. Котибият – 136-56-30. Ижодий гуруҳлар – 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42. Факс –133-09-93, 133-40-87

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон – 8-374-2-25-32-23; Бухоро – 8-365-22-648-22; Жиззах – 8-372-22-648-72; Навоий – 8-436-22-588-56; Наманган - 8 – 369-43-311-81; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-233-00-52; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-225-41-73; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар бўлими телефони: 133-44-43, 136-58-83.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи: Ш.ОРТИҚОВ

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2002 йил 18 февралда № 00694-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

E-mail: kishlokhayoti@yahoo.com

Буюртма Г-821, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00.
Босишга топширилди: 21.00

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

2 3 4 5 6